

## ОФЕРТА-ТАКЛИФ

1. “Ўзбекистон республикаси това-хомашё биржаси” АЖ, (кейинги ўринларда “Биржа”), номидан Устав асосида иш кўрувчи Бошқарув раиси З.Б.Бадриддинов, ушбу таклиф орқали қуйидаги шартларда Трейдернинг автоматлаштирилган иш жойи (ТАИЖ)ни ижарага бериш тўғрисида шартнома тузишга тайёргарлигини ифодалайди:

ТАИЖ нинг жойлашган ўрни – Биржанинг марказий аппарати (ёки унинг вилоятлардаги бўлимларининг бирида);

Биржа аъзосининг мажбуриятлари:

- ТАИЖ нинг дастурий таъминотини бир жойдан бошқасига кўчирмаслик;

- Биржа аъзосига топширилган иш жойини бирор бир тарзда қийинлаштирадиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, яъни уларнинг бошқа шахсларга ўтиб кетиши (гаров, суб-ижара шартномаси, иш жойини ижарага олиш ҳуқуқини ёки унинг бир қисмини корхона устав жамғармасига киритиш ва ҳ.к.) шартномалар тузмаслик ва битим, келишувларга киришмаслик;

- иш жойидан унинг мақсадларига мувофиқ фойдаланиш;

- шартнома муддати тугаши билан, ҳамда шартнома муддатидан олдин ТАИЖ ва барча воситаларни қабул қилиш ва топшириш далолатномасига биноан Биржанинг масъул ходимига топшириш;

- ТАИЖ ва воситаларга ўз айби билан зарар етганда, Биржага етказилган зиёнларни қоплаб бериш, Биржа томонидан рухсат берилмаган дастурий таъминотлардан фойдаланмаслик;

- шартнома муддати акцепт берилгандан кейин 1 йил бўлиб, агарда тарафларнинг ҳеч бири унинг муддати тугашигача 10 кун ичида шартномани бекор қилиш ҳақида хабар бермаса, бу муддат биржа аъзосининг аризаси билан худди шу муддатга узайтирилиши мумкин.

2. Аризачилар Биржа билан асосий шартлари қуйидагилар билан белгиланган ТАИЖ ни ижарага бериш тўғрисидаги оммавий шартномани тузган ҳисобланадилар:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунлари;

- “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгаши (19.07.2019 йилдаги йиғилиш баённомаси) билан тасдиқланган “Биржа савдоси Қоидалари” ва Биржанинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари;

3. Ижара учун тўловлар миқдори Биржа кузатув кенгаши томонидан ҳамда жойлашган ўрнига қатъи назар ҳар бир жой учун белгиланади. Ижара тўловлари олдиндан тўлов билан келгуси ҳисобот оyi учун жорий оyнинг сўнгги кунидан кечиктирмай тўланади. ТАИЖ учун тўлов мажбуриятлари бажарилмаганда, шартнома ўз кучини йўқотади ва трейдер биржа савдолари электрон тизимидан четлаштирилади.

Оммавий шартнома тузганда ёки уни бекор қилганда, тўлов белгиланган тарифлар бўйича тўлиқ оyi учун ундирилади.

4. Биржада аъзоликни тўхтатиш ёки уни бекор қилиш ТАИЖ ижара шартномасининг бекор қилинишига олиб келади.

5. Оферта шартлари қабул қилинганда, Аризачи шартноманинг ажралмас қисми саналган Акцепт-аризаси юбориш орқали Биржа билан шартнома тузишга

Ўзининг розилиги тўғрисида Биржани хабардор қилади. Акцептнинг барча бўлимлари қисқартмаларсиз, аниқ ва босма ҳарфлар билан тўлиқ тўлдирилиши шарт.

б. Биржа томонидан акцепт қабул қилингандан кейин Шартнома тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради, шундан сўнг тарафлар ўз мажбуриятларини бажаришга киришадилар ҳамда ушбу шартнома токи амалдаги қонунчиликка мувофиқ бекор қилингунга қадар қонуний кучга эга бўлади.

7. “ЎзРТХБ” АЖ реквизитлари:

**“Ўзбекистон республикаси товар-хомашё биржаси” АЖ**

**Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77 уй**

**Х/р: 20208000700600257050 ХАБ «Трастбанк» Амалиётлар Бошқармасида**

**МФО: 00491**

**СТИР: 200933985**

**ОКЭД: 66.11.0**

**Тел: +99871-207-00-33**

**Телеграмм: @UZEXfeedbackbot**